

ТИЛШУНОСЛИК ВА  
АДАБИЁТШУНОСЛИК  
МАСАЛАЛАРИ



ISBN 978-9943-327-13-9



9 789943 327139

«БИЛИМ»

аралашиб, умрнинг барча қийинчиликларини бошидан кечиргани, охир-оқибат юрт бошчиси даражасигача кўтарилиши «Бўтакўз» романидаги Аскарнинг юксалиш йўлларини ёдга солади. Чуқурроқ назар ташласак, бу икки повестда икки давр воқеаси тасвирланади, ифода услубида ўхшашлик бор бўлса-да, мавзу, гоё жихатдан тафовут борлигини эсдан чиқармаслик керак.

Ўзбекистон қахрамони, атокли қорақалпоқ ёзувчиси Тўлап-берган Қайипберганов «Қорақалпоқ қизи» романи орқали қорақалпоқ миллий прозасини юксак чўккиларга кўтарди. ўтган аср бошларида қорақалпоқ овулининг шарт-шароити, эскилик гирдобидан аста-секин кутилиб, ўз тақдирининг хўжайини бўлиши-«Қорақалпоқ қизи» романининг бош мавзуси. Жумагул образи орқали муаллиф қорақалпоқ аёлларининг ижтимоий ҳаётини, психологиясини, онгли курашчига айланиб бориши жараёнларини реалистик тасвирлаган. Шу хусусияти билан у С.Мухановнинг «Бўтакўз» романидаги Бўтакўз образига яқин туради.

Бу эса Шарқ аёлларининг эски ижтимоий ҳаётдаги ўхшашлиги, уларнинг тенглик ва эркинлик олиш йўлидаги кураш шаклларидаги умумий жихатлари билан изоҳланади.

Дарҳақиқат, Бўтакўз ўсган муҳит, олган тарбияси Жумагул-ниқидан фарқланади. У ўқиган, оз бўлсада Европача билим олган киз. Шунинг учун ҳам ўз бахти учун курашга онгли равишда фаол киришади. Муҳаббат бобида ҳам Бўтакўзнинг тушунчаси, уддабуронлиги Жумагулга қараганда анча юқори. Жумагул Туримбетга ушлаганнинг қўлида, тишлаганнинг оғзида кетмаслик учун шунчаки, турмушга чиқишга розилик берса, Бўтакўз Аскарни ҳалол, покиза ва интеллекти юқори йигит деб билади. Ҳаёт ва кураш йўлида мақсад ва вазифалари уйғун, қолаверса, бир-бирини чин қалбдан севади.

Романлар мавзусининг яқинлиги, икки халқ турмуш тарзининг муштараклигини, урф-одатларининг ўхшашлигини эсласак, Бўтакўз билан Жумагул образларида умумий белгилар мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бўтакўзнинг ёғочга осилиб ўлгиси келгани, Жумагулнинг ўзини ховузга ташлашни ўйлагани, Бўтакўзнинг онаси Улмекенни алашўрдачилар, Жумагулнинг онаси Санамни босмачилар олиб қочиши, Бўтакўзнинг шаҳар

митингида кескин нутқ сўзлаши, Жумагулнинг бозор ўртасида чиқиб гапириши ва шу каби бошқа жихатлари шу давр манзарасининг икки халқ учун ҳам умумий белгиларнинг реалистик ифодаси дейишимиз мумкин.

Сабит Мухановнинг қорақалпоқ адабиёти билан алоқаси, унга кўрсатган ижодий таъсири биз юқорида тилга олган фактлар билангина чегараланмайди. Бу мавзунинг кирралари кўп ва ўйлаймизки, у келажакда алоҳида тадқиқот мавзуси бўлади.

## МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА ДИАЛОГ

*Садулла Матякулов,  
филология фанлари номзоди*

Ҳозирги ўзбек адабиёти, хусусан, шеърияти ранг-баранг шаклий-услубий изланишлар асосида янгилашиб бормоқда. Зеро, ўзбек адабиёти тарихининг ҳар бир босқичида шеърият етакчи жанр бўлиб келган. Бугун ҳам шеъриятда даврнинг муҳим масалалари ранг-баранг тасвирлар орқали ўзининг бадиий инъикосини топмоқда. Бу борада шоирлар адабиётимиздаги мавжуд тажрибалардан фойдаланган ҳолда уларга бир қатор янги тамойилларни олиб кирмоқдалар. Таъкиллаш керакки, шеъриятда диалоглар қўллаш ўзбек адабиёти тарихидаги ўзига хос анъаналардан биридир. Хусусан, мумтоз адабиётимизда А.Навоий, Фуркат, ҳозирги адабиётимизда Э.Воҳидов, А.Орипов, М.Юсуф каби шоирлар ижодида ушбу анъананинг самарали давомини кузатиш мумкин. Чунки, диалог ижодкорларнинг қаҳрамон характери ва руҳиятини, давр хусусиятларини янада ёркинроқ намоён этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз ижоди билан адабиётимизга ўзига хос оҳанг, янги бадиий ифодалар олиб кира олган шоирлардан бири Муҳаммад Юсуфдир. У ўзининг дастлабки шеърлариданоқ халқ дардини ўз дарди сифатида ифода қила бошлади. Унинг ҳар бир шеърида самимийлик, ҳеч бир шоирга ўхшамайдиган бадиий ифода кўзга ташланади. Шу билан бирга шоирнинг аксарият шеърларида чуқур фалсафий-психологик талқин етакчилик қилади. М.Юсуф шеърларининг яна бир ўзига хос хусусияти шуки, шоир ўзи баён

этмоқчи бўлган фикрни ифодалашда диалоглардан моҳирона фойдаланади. Унинг «Она мени нега...» шеъри ушбу фикримизнинг ёркин далилидир. Ушбу шеър атиги саккиз мисрадангина иборат бўлиб, ҳар банднинг биринчи мисрасида бир савол такрорланади.

- Она мени нега тугдинг?
- Юртинг учун.
- Она мени нега тугдинг?
- Бахтинг учун...
- Она мени нега тугдинг?
- Зорикқандан.
- Она мени нега тугдинг?
- Зерикқандан...<sup>1</sup>

Аҳамият берсак, шеърда берилаётган жавобларда теран фалсафий мушоҳадакорлик мавжуд. Албатта, бу мушоҳада талаб масала шеърда берилган жавобларда ўз аксини топади. Бир қарасак оддийгина она-боланинг савол-жавобидек кўринган шеър шоирнинг юксак фалсафий-мантикий тафаккури орқали бадиий кашфиётга айланган. Диккат қилинса, берилган жавобларда орқага чекиниш сезилади. Берилган савол эса шоир қалбини бир умр қийнаб келган энг катта муаммо қабилда намоён бўлади. Ушбу жумбоқларга жавоб топиш учун, аввало, шеърдаги лирик кечинманинг ифода қилиниши масаласига аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳаммад Юсуфнинг ушбу шеъри истиқлолдан олдинги йилларда ёзилган. Тўғри, шеър шунчаки бир ўтиришда яратилган бўлиши мумкин, лекин унинг вужудга келишига асос бўлган савол шоирни бутун умр ўйлантириб келган. Зеро, адабиётшунос олим Б.Саримсоқов таъкидлаганидек, «Лирик кечинма баъзан оний рухий ҳолат сифатида кечиби, эстетик қиммат касб этувчи маҳсул беради ва йўқолади. Баъзан эса у муайян тугалликка, эстетик қиммат касб этувчи асар сифатида шакллана олмай, ижодкор қалбида, шуурида узок вақтлар сақланиб юради. Мана шундан

<sup>1</sup> Муҳаммад Юсуф. Сайланма. -Т.: «Шарқ», 2007. -Б. 154 (қолган мисоллар ҳам шу манбадан олинади ва қавс ичида саҳифаси кўрсатилади.)

келиб чиқиб айтиш мумкинки, лирик кечинма воқе бўлиши ва тугал эстетик қимматга эга бўлган асар сифатида шаклланишига қараб икки хилга бўлинади: 1. Оний лирик кечинма. 2. Хотиравий лирик кечинма.<sup>1</sup> Шу маънода айтиш мумкинки, шеърдаги ҳар бир банд орасида маълум бир вақт, ҳаётини сабоқ, ақлий идрок мужассамлашган.

Шеърнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ нигоҳ ташласак, такрорланаётган бир хил саволга берилаётган ҳар хил жавоблар орқали шоир мавжуд тузум ва унга нисбатан бўлган эътиқодидан қайтаётган қаҳрамон-Она сиймосини гавдалантиради. Чунки, асарда лирик қаҳрамон мавжуд воқелиқдан том маънодаги «Юрт учун», фидокор инсонларни, «Бахт учун» кураш самарасини аниқ кўра олмайди. Таъбир жоиз бўлса бундай улуг туйғуларни тасаввур ҳам қила олмайди. Ўзидан насл-насаб қолдириш, авлодини давом эттириш мақсадида «Зорикқандан» фарзандини дунёга келтирган Онанинг бу жавобидан лирик қаҳрамон бағтар хайратга тушади. Чунки, келажак авлоднинг тақдири, истиқболи ҳақида қайғурмаётган муайян муҳит ғояларини идрок этиб улгурган фарзанд энди тамомила норози қайфиятда яна шу саволни такрорлайди. Фарзанд қалбини аниқ ҳис қилиб турган Она эса бу саволга ортик бардош беролмаслиги сабабли қисқаги-на «Зерикқандан» — дея жавоб беради.

Кўринадики, таҳлил қилинган шеърда ифодаланган бадиий-фалсафий ғоялар тизими ўзига ҳос аҳамиятга молик. Зеро, ушбу мўъжазгина шеърдан биз ўтган даврнинг сохта ғояларидан алданган инсонлар қисмати ҳамда бу ғояларнинг бутунги кундаги кадр-қиммати ва уни ардоқлаш, кадрига етиш борасида ўзимизга тегишли хулосалар чиқарамиз.

Демак, адабий асарда қаҳрамон яратиш ижодкор эстетик идеалининг маълум бадиий қонуниятлар асосида тасвирланиб, ўзи ифодаламоқчи бўлган фикрни ўзига ҳос услуб ва маҳорат билан акс эттиришидир. Хусусан, шеърда лирик қаҳрамон тасвири орқали шоирнинг қалб ҳақиқати, ўзи яшаган даврга ҳос муҳим масалалар ҳар-хил усул ва тасвирлар орқали бадиий талқин этилади. Шу маънода, ҳар қандай бадиий асар қаҳрамони

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. -Т.: 2004. -Б. 85.

фаолиятдан китобхон ўзини бiron бир фазилат ёки иллатларини англаши, муайян давр ғояларига жавоб топа олиши лозим, шундагина у ўша қахрамон тақдири ва талқинига бефарқ қарай олмайд.

М. Юсуфнинг халқимиз бошидан кечирган қатоғон даври воқеаларини акс эттирувчи «қора қуёш» достонида ҳам кўплаб диалогларни учратиш мумкин. Уларда шоир мавжуд давр психологиясини, муайян замондаги ҳаёт ҳақиқатларини юксак бадиий маҳорат билан талқин қилади.

- Ёлғон нима, эй одам?
- Ёлғон — ўт ўсмас дала.
- Ҳақ нимадир, эй одам?
- Ҳақиқат етим бола... (209-бет).

Ушбу сатрларда шоир қатоғон давларида инсон эрки, ҳуқуқлари нақадар топталганлигига шундай чиройли бадиий ифода топганки, гўё уни бошқача сўзлар билан изоҳлаш мумкин эмасдек туюлади. «қора қуёш» достонининг «37-йил йиғиси» қисмида шундай сатрларни учратамиз:

- Қайғу нима, эй одам?
- Қайғу ҳам ширин армон.
- Бахт нимадир, эй одам?
- Бахт бир бурда қора нон. (225-бет).

Ушбу парчада ҳам шоирнинг инсониятга нисбатан айтаётган кўнгли нидосини аниқ хис қиламиз. Уларда муаллифнинг қалб кечинмалари, бадиий тафаккури орқали қайғу, бахт каби тушунчаларга нисбатан фалсафий-мантикий муносабат ўзгача йўсинда ифодаланади. М.Юсуф шеърининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдирар экан, К.Йўлдошев ҳақли равишда шундай ёзади: «Оловли шеърини нафас, қутилмаган ташбеҳлар, ўткир ва сермаъно тимсоллар, майин оҳанглар шоир битикларига хос хусусиятлардир. М.Юсуф ижодини ўрганиш ўзбекнинг кўнглини яхшироқ билиш имконини беради. Шоирнинг шеърлари турли йўналишда, улар муаллифнинг турфа

қайфиятини ифода этган. Лекин Муҳаммад Юсуфнинг бутун ижоди учун меҳрга ташналик, инсонни аяшга интилиш етакчи белги эди, десак адашмаган бўламиз».<sup>1</sup>

Шоирнинг «Юрак билан суҳбат» шеърисида ҳам диалог асосида инсон ҳаёти, яшашдан мақсади, қалб кечинмалари каби муаммолар ҳақидаги бадиий-фалсафий мушоҳадалар баён этилади.

- Соҳиб дилим, нега кунда йиғлайверасан,  
Нега йиғлаб юрагингни тиглайверасан?
- Кунда шу ҳол, дўсти ҳалол, ҳайронман мен ҳам,  
Ўпкам тўлиб кетар бир кун йиғламай қўйсам...

- Соҳиб дилим, майлига-ю, кўп йиғлайсан-да,  
қараб турсам ҳеч бир яйраб сен қулмайсан-да?!
- Мен шунака йиғлокрокман, ҳамма билади,  
Факат, ўлсам йиғламайман, уят бўлади» (270-бет).

Кўринадики, М.Юсуф лирикасида диалоглар орқали давр ва қахрамон характери, инсон тақдири талқини масаласи чуқур бадиий таҳлил қилинади. Шоир шеърларидаги диалогларда саволларга берилган жавоблар, улардаги такрорий усул орқали ўзининг руҳий кечинмалари, ҳаётни ва инсонни тушуниш ҳамда тушунтиришида реалистик тасвир маланиятидан моҳирона фойдаланади. Айни пайтда уларда ижодкор шахсияти ҳам яққол намоён бўлади.

### ГРАММАТИКАНИ ЧУҚУР ЎРГАТИШ — ЎҚУВЧИЛАР САВОДХОНЛИГИНИ ЎСТИРИШ ОМИЛИ

*Шахло Юлдашева,  
педагогика фанлари номзоди*

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш муҳим ижтимоий-сиёсий масала сифатида янада долзарблик касб этди. Пухта ва илмий асосланган давлат тили ўқитиш методикасини яратиш ишига А.Рафиев, Р.Йўлдошев, Р.Ниязметова, К.Хусанбоева, М.Тўхтамирзаев, Д.Тошхўжаева,

<sup>1</sup> Йўлдошев К. Ҳамиша навқирон шеърят // Ёниқ сўз. -Т.: «Янги аср авлоди», 2006. —Б. 290.

контаминацияда тил бирликлари аралаштирилиб янги ҳосила бирлик ясалди, трансформацияда эса тил бирликлари (гаплар) маълум қонуниятлар асосида ўзгартирилиб қайта тузилади. Масалан, сўз бирикмалари қуйидагича трансформацияси қилинади: узун бўйли одам - бўйи узун одам каби.

Н.А.Баскаковнинг таъкидлашича, туркий тилларда истаган гапни бирикмага трансформация қилиш мумкин ва аксинча, бирикмани гапга айлантириш ҳам мумкин. Масалан: Булбул сайрапти - булбулнинг сайраши каби.<sup>1</sup>

Хуллас, контаминация синтактик деривациянинг алоҳида бир усули бўлиб, фикрни ихчам ва аниқ баён қилишга ёрдам беради. Шунингдек, контаминация усули ёрдамида ясалган гапларда бир нечта фикр жамланиб, ахборотни тингловчига аниқ ва тўлиқ етказишда муҳим рол ўйнайди. Масалан: Шаҳримизда қурувчилар катта иморат қураяптилар. Иморат замонавий. > Шаҳримизда қурувчилар катта замонавий иморат қураяптилар каби.

Бундан ташқари контаминация усули ёрдамида сифатдош ва равишдош ўрамли мураккабланиш содда гаплар ҳам ҳосил бўлади. Уларда бир нечта ҳукм бирлаштирилиб, фикр ихчам шаклда ифодаланади: У ушбу даргоҳда ўқиган, таълим олган, иктидорли ёшлардан эди. Аслида учта фикр жамланиб битта содда гап таркибида берилган. Ёки: Менинг ўғлим бор. У университетда ўқиган. Ҳозир армияда хизмат қилади. Бу учта содда гапни бирлаштириб, қуйидагича мураккаб содда гап ҳосил қилиш мумкин: Менинг ўғлим университетда ўқиган ҳозир у армияда хизмат қилади каби.

Хуллас, контаминация усули ёрдамида ясалган гаплар фикрни ихчам, тўлиқ ва оммабоп шаклда ифодалашга ёрдам беради. Бу эса туркий тилларга хос синтактик ясаиш усули бўлиб, мураккабланиш содда гаплар ёки эргашган қўшма гаплар орқали мураккаб фикрларни ифодалашда улар муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Баскаков Н.А. Содиқов А.С. Абдуазизов А. Умумий тилшунослик. Т. 1979, 127-131 б.

## МУНДАРИЖА

Мухтор Авезов ва ўзбек адабиёти.....	3
Диалектал фразеологизмларнинг семантик шаклланиши хусусида.....	7
Қорақалпоғистонда туркман тилининг ижтимоий вазифалари.....	12
Бобур газаллари — унинг қалб дафтари.....	16
Сабит Муханов ва қозоқ-қорақалпоқ адабий алоқалари.....	21
Мухаммад Юсуф шеърлятида диалог.....	25
Грамматикани чуқур ўргатиш — ўқувчилар саводхонлигини ўстириш омили.....	29
Қорақалпоғистонда нодавлат тилларининг ижтимоий вазифалари.....	34
Неологизм ва окказионализмлар.....	39
Интерфаол методлар ва уларнинг аҳамияти.....	42
Табиатни поэтик талкин қилишдаги ўзига хослик.....	47
Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида феълларнинг ясаиши.....	51
«Алпомиш» достонини «Бумеранг» усулида ўрганиш.....	55
«Бозор» романида услубий ўзига хослик.....	60
Абдулла Қаххор—сўз заргари.....	63
Сўзлашув нутқида синонимлар.....	66
Тарихий мавзу талқинидаги ўзига хослик (ўзбек драматургияси мисолида).....	70
Қорақалпоқ адабиётида ўзбек халқи ҳаётининг бадий талқинига доир.....	74
Таълимда от сўз туркумини ўқитишда қиёсий таҳлил усулидан фойдаланиш.....	78
Т.Рустамовнинг «Қапалаклар ўйини» романида ифода хусусиятлари.....	82
Қорақалпоғистон ўзбек шеваларидаги фразеологизмларнинг таснифи.....	84
Синтактик бирикларнинг контаминация усули билан ясаиши ҳақида.....	87